

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

ИБРАГИМОВ ХИКМАТУЛЛО РАХМАТУЛЛОЕВИЧНИНГ

**5140100 биология таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИЗИЛ КИТОБИГА
КИРИТИЛГАН СУРХОНДАРЁ ҲУДУДИДА ТАРҚАЛГАН
ЎСИМЛИКЛАР ВА УНИНГ МУҲОФАЗА ЭТИШ ЧОРАЛАРИ”**

мавзусидаги ёзган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

**биология фанлари
номзоди А. Бегматов**

Термиз-2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

1-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.....

**2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИЗИЛ КИТОБИНИНГ
ТАВСИФИ**.....

**3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИЗИЛ КИТОБИГА
КИРИТИЛГАН СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА ТАРҚАЛГАН
ЎСИМЛИКЛАР**.....

3.1. Сурхондарёнинг эндем ўсимликлари.....

3.2. Сурхондарёнинг реликт ўсимликлари.....

3.3. Ноёб ва камёб турларнинг қиёсий таҳлили.....

ХОТИМА.....

ХУЛОСАЛАР.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

ИЛОВА.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Атроф мухитни, ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш инсоният учун жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга. Кишилар табиатдан фойдаланиб, унинг асрлар давомида ташкил топган табиий манзарасини ўзгартирмоқда, унга салбий таъсир кўрсатмоқда. Саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиб бориши ва табиий майдонларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Натижада ўсимликларнинг камайиб кетиш хавфи туғилмоқда. Бу эса ўсимликлар дунёсидаги генофонднинг камайишига сабаб бўлмоқда. Ҳар қандай турнинг йўқолиши уни тиклаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади, бинобарин, ёввойи ўсимликлар қишлоқ хўжалигида экиладиган маданий навларни барпо этишда манба сифатида жуда катта роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозир 4500 га яқин ёввойи ўсимлик ва 2000 дан зиёд замбуруғ турлари мавжуд. Улар орасида жиддий муҳофазага мухтож кўпгина камёб, эндем ва реликт турлар ҳам бор. Бундай турларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10-12 фоизини ташкил этади. Республика кўрикхоналарида муҳофаза қилинаётган ўсимликларнинг умумий ҳолати нисбатан яхши бўлишига қарамай, кўплаб ёввойи турларнинг табиий захиралари кескин камайиб кетмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурхондарё ҳудудида тарқалган ва Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ўсимликларнинг биологияси тўғрисида умумий маълумотлар берилган, лекин эндем ва реликт ўсимликлари тўлиқ қиёсий ўрганилмаган.

Битирув малакавий ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. БМИ Термиз давлат университети ботаника кафедрасининг “Жанубий Ўзбекистон шароитида доривор ва хом-ашёбоп ўсимликлар биологияси” илмий тадқиқот иши мавзусига биноан бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон республикаси “Қизил китоби”га киритилган Сурхондарё ҳудудида тарқалган ўсимликларни ўрганиш.

Тадқиқот вазифалари:

- Ўзбекистон республикаси қизил китобга киритилган ўсимликларнинг умумий тавсифи;
- Сурхондарё вилоятида тарқалган реликт ва эндем ўсимликларнинг биологияси;
- Реликт ва эндем ўсимликларнинг қиёсий таҳлили.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқот объектлари – Сурхондарё вилояти ҳудудида тарқалган Ўзбекистон республикаси “Қизил китоби”га киритилган ўсимликлари.

Тадқиқот предмети - Қизил китобга киритилган ўсимликларнинг морфологияси, ўсиши, фенологияси, кўпайтириш, муҳофаза чоралари.

Тадқиқот методлари. БМИ да анъанавий методлардан морфогенезни ўрганиш, ҳамда қизил китобга оид қонуниятлардан фойдаланилган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Сурхондарё вилоятида ўсимликларнинг турли табиий шароитларда ўсиш хусусияти, шу муҳитнинг экологик диапозонига эга эканлигидан далолат беради.

2. Ўзбекистон республикаси “Қизил китоби” га киритилган баъзи ўсимликларнинг Сурхондарё иқлим шароитида кўпайтириш мумкинлиги уларнинг истиқболлини кўрсатади.

Илмий янгилиги. Сурхондарё иқлим шароитида ўсадиган “Қизил китоб”га киритилган ўсимликларнинг тарқалиши, эндем ва реликт ўсимликларнинг қиёсий таҳлили ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Сурхондарё вилоятида тарқалиш ареали ва экологик шароитга мос ўсиб ривожланишининг гуруҳи (категория) ўрганилди.

Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида биолог-эколог мутахассисларни тайёрлаш жараёнида қизил китобга киритилган ўсимликларнинг биологияси, реликт ва эндем ўсимликлар биологияси махсус курсларда маърузалар ўқишда фойдаланиш тавсия этилди.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Сурхондарё ҳудида тарқалган реликт ва эндем ўсимликларининг қиёсий таҳлили ўрганилди.

Тадқиқот натижалардан Термиз давлат университети ботаника кафедрасининг ўқув жараёнида фойдаланилмоқда (далолатнома №1, 20.05.2015 й).

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Тадқиқот натижалари ТермДУ Ботаника кафедраси қошидаги “Ботаника” илмий тўғарагида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган (2015).

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ 57 бетда баён этилган бўлиб, кириш, 3 боб, хотима, хулосалар ва иловалардан иборат. Унда 2 та жадвал ва 6 та расмлар келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 25 тадан иборат манбалардир.

1-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Табиатимиз турли-туман ўсимликлар дунёсига бой ўлкадир. Шундай масканлардан бири Сурхондарё вилояти ҳудуди ҳисобланади. Бу ҳудуднинг ўсимликлар дунёси жуда хима-хил бўлиб, унда тарқалган ўсимликларнинг бир қисми халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиб келмоқда [4]. Табиатимиз турли-туман ўсимликлар дунёсига бой ўлкадир. Шундай масканлардан бири Сурхондарё вилояти ҳудуди ҳисобланади. Бу ҳудуднинг ўсимликлар дунёси жуда хима-хил бўлиб, унда тарқалган ўсимликларнинг бир қисми халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиб келмоқда [21].

Натижада табиатга жиддий муҳофазага муҳтож бўлган кўпгина эндем, реликт ноёб турлар Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган. Ўсимликларнинг табиатда камайиб кетишига сабаб, ердан униб чиқаётган ва ёш ўсимликларнинг табиатда камлиги, унинг секинлик билан кўпайиши ва турлараро рақобатчиликка унча бардош бера олмаслигидир [3]. Бундан ташқари чорва молларининг боқилиши ҳамда уларга ем-хашак учун ўрилиши ва ўрмонларнинг кесилиши, қишлоқ хўжалиги учун ерларнинг ўзлаштирилиши ўсимликларнинг табиатда камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Табиатда камайиб бораётган камёб, эндем турларни табиатда сақлаб қолиш мақсадида 1984, 1998, 2006 йилларда нашр этилган Ўзбекистон Республикасининг “Қизил китоби”га киритилган ва давлатимизнинг жуда кўп қарорлари чиқарилган [3].

Сурхондарё вилояти табиий географик нуқтаи-назардан Сурхондарё округини тўлалигича, Хисор-Зарафшон округи ва Боботоғ округлари ҳудудларини маълум майдонларини ўз ичига олган жуда бой ўсимликлар олами ҳамда турли-туман ҳайвонот дунёсига эга бўлган вилоятлардан саналади. Вилоят биологик қатламларини тузилиши жиҳатидан ҳам бир қанча даврларни ўзида мужассамлаштирган. Баланд тоғ ҳудудларида асосан мезазой ва кайназой ётқизиклари учрайди. Боботоғ округи ҳудудларида эса тур полеоген ва неоген даври ётқизиклари ривожланган. Сурхондарё округи

майдонлари асосан неоген ва антропоген даврнинг қалин аллювиал ва пролювиал ётқизиклари билан тўлган.

Бундай ҳолат яъни турли давр ётқизикларини вилоят ҳудудида мавжудлиги ҳамда бир қанча қулай иқлим шароитлари бу ҳудудда жуда кўплаб ўсимлик турларининг ривожланишига имкон яратиб берган. Сурхондарё вилояти ўсимликлари турларининг сонига кўра ва ўз ҳудудида кўплаб реликт, эндем ўсимликларининг мавжудлиги борасида республикамизда юқори ўринда туради [14].

Кейинги йилларда иқлим омилларининг кескин ўзгариши ўсимлик ресурсларидан инсонларининг пала-партиш ва мақсадсиз фойдаланиши оқибатида жуда кўплаб ўсимлик турлари кескин камайиб, ҳатто йўқ бўлиб кетиш хавфи сезилмоқда.

Ўсимликларнинг камёб ва йуқолиб бораётган турларини сақлаб қолиш мақсадида яратилган Ўзбекистон республикаси “Қизил китоби” нинг 1984 йилги нашрида 163 та ўсимлик турлари киритилган бўлиб, уларнинг 73 тури, кейинги 1998 йилги нашрида эса 301 тур ўсимликларнинг 130 тури Сурхондарё ҳудудида тарқалган [18,19,20]. Вилоят ҳудуди бўйлаб қилинган изланишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, барча ўсимликларнинг камайиб кетиши: а) иқлим омиллари ва ўсимлик ўсиб ривожланаётган жойнинг тупроқ таркиби, б) ҳайвонот дунёси томонидан зарарланиши ва энг асосийси, в) антропоген омилларнинг таъсиридир.

Дастлабки икки омилни бошқариш ва ўзгартириш қийин масала лекин антропоген омилнинг таъсирини камайтириш мумкин.

Халқ табобатида ўсимликларнинг ер устки қисми дамламаси бронхит ва бошқа юқори нафас йўлларида балғам кўчирувчи, ўт ҳайдовчи, пешоб ҳайдовчи, юмшоқ ич юргизувчи восита сифатида қўлланилади. Баъзан илдизини чой каби дамлаб ичиш ошқозон-ичак, тери, тери-таносил, жигар, бўйрақлар ва модда алмашинувининг бузилишида яхши самара бериши адабиётларда келтирилган. Шундай ўсимликлардан бири качимсимон беҳ (*Allochruza gypsophiloides* (Regel) Schischk) ҳисобланади [17]. Качимсимон

аллохруза қурғоқчиликка чидамли ўсимлик, шунинг учун ҳам қишқи намлик ва паст ҳарорат унинг яшаб қолишига тўсқинлик қилади. Ушбу ўсимликнинг sanoat миқёсида плантациялари ташкил этилиши ва ундан ташқари аллохрузанинг табиий ўсадиган жойларида буюртмахоналар ташкил этилишини ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисобланади.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИЗИЛ КИТОБИНИНГ ТАВСИФИ

Дунёга донғи кетган лола ва саллагуллар, қиммат баҳо ўсимлик – етмак, доривор ўсимлик бозулбанг кабилар кейинги йилларда бутунлай камайиб кетди. Бир қанча турлар йўқолиб кетиш ҳолатига келиб қолди. Аҳолининг табиатга нотўғри муносабати ҳам ўсимликларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Айниқса шаҳар ва қишлоқлар атрофидаги қизил лола, саллагул, ширач ва шунга ўхшаш нафис гулли ўсимликлар жуда камайиб кетган. Табиатга, ўсимликлар дунёсига нисбатан нотўғри муносабатда бўлишга чек қўйиш, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш ҳаммамизнинг асосий бурчимиз. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, атроф муҳитни, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилди. 1992 йил 9 декабрда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», 1993 йил 7 майда «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида», 1997 йил 26 декабрда «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва ниҳоят 1999 йилда «ўрмон ҳақида»ги қонунлар қабул қилинди [5]. Бу қонунлар барча ўсимликлар турларини сақлаб қолиш, уларни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилишда муҳим ҳужжатлар ҳисобланади. Ўзбекистон «Қизил китоб»и 1979 йилда таъсис этилди. «Қизил китоб» наботот оламининг камёб, йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлари ҳақида мукамал маълумот беради. Унинг вазифаси жамоатчилик ва давлат идораларини табиат ҳофазаси масаласига жалб этишдан ва турлар генофондини сақлаб қолишга кўмаклашишдан иборат [6]. Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган 163 тури «Қизил китоб»нинг 1984 йилги нашрига киритилган ва ушбу турларнинг тақдири билан республика мутахассислари, олимлари муттасил шуғулланиб келмоқдалар [7,8,11,12]. Ўтган йиллар мобайнида олиб борилган кузатишлар айрим ўсимлик турларининг сони ва майдони анча кенгайганлигини кўрсатди. Масалан, анзур ва Суворов пиёзлари олдинги

ҳолатига келмаган бўлсада, маълум даражада кўпайди. Энг камёб ўсимликлардан саналган Минквиц тезиуми номли ўсимлик турининг сони 7 тадан 17 тагача етди. Қурама тизмасида камёб ўсимликлардан ҳисобланган Коровин ширачининг мавжудлиги аниқланди. Айни вақтда айрим ўсимлик турларининг сони кескин қисқариб кетган. Омонқора ўсимлиги, писком пиёзи, Маргарита мармараги кабилар шулар жумласидандир. Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар ўлкамиз флорасидан яна 138 ўсимлик турини «Қизил китоб»га киритиш лозимлигини кўрсатди. Шундай қилиб, 1998 йилга келиб, Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган ўсимлик турларининг сони 301 тага етди. Қизил китобга киритилган ўсимлик турлари Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган таснифга биноан 4 гуруҳга (категорияга) ажратилди.

0. Йўқолган ёки йўқолиш арафасидаги турлар. Бир неча йиллар довомида табиатда учратилмаган, лекин айрим йиғиб олиш қийин бўлган жойлардагина ёки маданий шароитда сақланиб қолиш эҳтимолига эга бўлган турлар.

1. Йўқолиб бораётган турлар. Йўқолиб кетиш хавфи остида турган, сақланиб қолиши учун махсус муҳофазани талаб этадиган турлар.

2. Камёб турлар. Маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган, тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва жиддий назоратни талаб этувчи турлар.

3. Камайиб бораётган турлар. Маълум вақт ичида сони ва тарқалган майдонлари табиий сабабларга кўра ёки инсонлар таъсири остида қисқариб кетаётган турлар. Айни вақтда, бундай ўсимликлар ҳар томонлама назорат қилиб туришни талаб этади. ўсимлик ўз камёблик даражасини у ёки бу томонга ўзгартириб туриши, яъни вақт ўтиши билан ўсимлик бутунлай йўқолиши ёки кўпайиб муҳофаза қилиш даражасидан чиқиб кетиши мумкин. «Қизил китоб»да ҳар бир турнинг ўзбекча, русча, лотинча номлари ва уларнинг қайси оила ҳамда туркумга мансублиги кўрсатилган. Шунингдек, турларнинг қисқача тавсифи (ҳаётий шакли, бўйи, шох-шаббаси, барги, гули,

меваси ва фенологияси), тарқалиши ва чизма харитада учрайдиган жойлари келтирилган. Табиий шароитда ўстириш усулларига ҳам тўхтаб ўтилган. Баъзи ҳолларда муайян турни тажриба майдонларида ёки саноат асосида етиштириш имкониятлари баён этилган. Муҳофаза чоралари масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Турларга тавсиф берилганда адабиёт ва гербарий маълумотларидан ҳамда кўп йиллик кузатиш натижаларидан фойдаланилди. Унда оилалар, туркумлар ва турлар алфавит тартибида берилди. Ўзбекистон еспубликаси Фанлар академияси «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази (олдинги Ботаника институти) илмий ходимларининг «Қизил китоб» чиққандан кейинги 8 йил ичида вилоятлар бўйича олиб борган илмий тадқиқот ишлари туфайли республика «Қизил китоб»ига айрим ўзгаришлар киритилди. Жумладан, табиатда нисбатан кўпайганлиги ва ареалининг кенгайганлиги сабабли Корольков заъфарони, Ноксимон нормушк, Суворов пиёзи, Анзур пиёз «Қизил китоб»дан чиқарилди. Аксинча, юксак ўсимликлардан камёблиги аниқланган 6 тур ва замбуруғлардан 5 тур илк бор «Қизил китоб»га киритилди. Табиатда анча кўпайганлиги муносабати билан 7 тур 2-гурух (категория) дан 3-гурухга ўтказилди. Изланишлар туфайли 10 турнинг бошқа тоғ тизмаларида ва ўзига хос экологик шароитларда ҳам ўсиши аниқланди. Ботаника номенклатураси қоидаларига биноан *Petilium* туркуми *Fritillaria*, *Melanthaceae* оиласи *Colchicaceae* деб қабул қилинди. Мазкур «Қизил китоб»нинг нашр этилиши мутахассислар, давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари олдига кўриқхоналар ва буюртмахоналарни кенгайтириш, ёввойи ўсимликларни сотишни тақиқлаш, хом ашё учун йиғиладиган ўсимликларга лицензиялар жорий этиш каби бир қанча масалаларни қўяди. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишда кенг омма иштирок этган тақдирда ижобий натижалар беради.

Шундагина биз келгуси авлодлар учун наботот оламининг бебаҳо бойлигини сақлаб қолдирган бўламиз.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИЗИЛ КИТОБИГА КИРИТИЛГАН СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА ТАРҚАЛГАН ЎСИМЛИКЛАР

Ер юзидаги барча тур, туркум ва оилаларнинг эгаллаган майдонининг кенг ва торлигига, шу майдонларнинг шаклига ва бир-бирига туташ ёки туташмаслигига кўра ареалар қуйидаги бир неча гуруҳларга бўлинади:

1. Космополит ареал ва 2.Эндем ареал.

Космополит ареал-бу гуруҳга кирувчи ўсимлик турлари, туркум ва оилалари ер шарида кенг тарқалган ўсимликлар ҳисобланади. Улар куруқликнинг ҳамма жойида эмас, балки аксарият катта қисмида учрайди. Ер шарининг деярли ярмида учрайдиган космополит ареалли турларга мисол қилиб, шўра (*Chenopodium album*), жағ-жағ (*Capsella bursa-pastoris*), ажрик (*Cynodon dactylon*), семизўт (*Portulaca oleracea*), қоқиўт (*Taraxacum officinale*), итузум (*Solanum pigrum*), қамиш (*Phragmites communis*) каби жуда кўп ўсимлик турларини кўрсатиш мумкин. Лекин бизнинг тадқиқотимизда эндем ва реликт ареалларни илмий изоҳлаш зарурати шаклланган.

Эндем арел-бу гуруҳга Ер шарида жуда кичик майдонларни эгаллайдиган тур, туркум ва оилалар киради. Шундай эндем турлардан Ўзбекистоннинг маълум қисмидагина учрайдиган вакилларида қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тоусағич (*Scorzonera tausaghiz*), астагал (*Astragalus kisylkumi*), Етмак (*Aconthophyllum cyrtostegium*) каби турлари Қизилқумда учрайди [15,16,22]. Ўрта Осиёда эндем ўсимлик туркумлари қуйидаги оилаларда: Зирадошлар 16 та, карамдошлар, ялпиздошлар, қоқидошлар 6 тадан, қўнғирокгулдошларда 4 та эндем туркумларга эга [9,10].


Эндемик турлар қадимги ороллардан ташқари тоғли ўлкаларда ҳам кўп бўлади. Е.П. Коровин (1962) маълумотига кўра Ўрта Осиё тоғ флорасининг 65-70% и фақат эндемик турлардир.

3.1. Сурхондарёнинг эндем ўсимликлари


Одатда эндем ареалли ўсимлик турлари 2 гуруҳга: палеоэндем ва неоэндем ўсимликларга бўлинади. Қуйидаги 1-расмда Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган умумий ўсимликлар сонига нисбатан Сурхондарё ҳудудида учрайдиган ўсимликлар миқдори келтирилган. Қизил китобнинг 2009 йилги нашрида Ўзбекистон миқёсида 324 ўсимлик тури киритилган бўлса, шундан Сурхондарё ҳудудида 127 тур ўсимлик учрайди, яъни бу кўрсаткич 39,19% ташкил этади. Юқорида фикрлардан кўришиб турибдики, Сурхондарё вилояти ҳудуди бошқа вилоятларга нисбатан ўзининг табиий-иқлим шароити ва рельефи билан ажралиб туради. Қизил китобни таҳлили бўйича Сурхондарё ҳудуди миқёсида 28,7% (93 тур) эндем ва 2,47% (8 тур) реликт тур ўсимликлар ўсиши аниқланди (2-расм). Эндем ўсимликлар ҳам берилган категориялар бўйича турлича тақсимланган. Тадқиқотларга кўра, 0-категорияга 3,2% (3 та), 1-категорияга 36,5% (34 та), 2-категорияга 53,8% (50 та) ва 3-категорияга 6,5% (6 та) ўсимлик турлари киради (3.1-3.3-расм). Кўришиб турибдики, 0 ва 3 категорияга паст, яъни тегишли равишда 3,2% ва 6,5% ўсимликларнинг киритилган. Умумий тескари ҳолатда эса юқори, яъни тегишли равишда 1-категорияга 36,5% ва 2-категорияга 53,8% ўсимлик турлари киритилган. Бизга маълумки, 1- ва 2-категориялар қуйидаги кўринишда ифодаланади.

1. Йўқолиб бораётган турлар. Йўқолиб кетиш хавфи остида турган, сақланиб қолиши учун махсус муҳофазани талаб этадиган турлар.


2. Камёб турлар. Маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган, тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва жиддий назоратни талаб этувчи турлар. Бундан кўринадики, бу икки категорияга тегишли бўлган 90,3% эндемик ўсимлик турларига инсон омилини таъсирини яққол намоён бўлаётганини кўриш мумкин (3.1-жадвал).



3.1-расм. Қизил китобга киритилган умумий ўсимликлар сонига нисбан
Сурхондарё вилояти хуудида учрайдиган ўсимлик миқдорининг кўрсаткичлари, %



3.2-расм. Сурхондарё вилояти ҳудудида учрайдиган “Қизил китоб”га киритилган эндем ва реликт ўсимликларнинг умумий ўсимликлар сонига нисбатан қиёсий миқдори, %



3.3-расм. Сурхондарё вилояти ҳудудида тарқалган эндем ўсимликларнинг тақсимланиши, %

Бунинг олдини олиш мақсадида кескин ўсимликларни ҳимоя этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда инсонларда табиатга бўлган эътиборни илмий тарзда онгига сингдириш зарурлигини таъкидлаш жоиздир. Қуйида эндем ўсимликларнинг рўйхати келтирилган.

3.1-жадвал

Сурхондарё ҳудудида тарқалган эндем ўсимликлар рўйхати

№	Ўсимлик номи (тартиб номери)	Тарқалиши
1	2. Оқ парпи Аконит таласский <i>Aconitum talassicum</i> Popov	Тошкент, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари: Писком, Чотқол, Қурама, Фарғона, Туркистон, Зарафшон, Хисор тизмаларида тарқалган. Тожикистонда ва Қирғизистонда ҳам учрайди.
2	4.Бойсун пўфанаги Ветреница байсунская <i>Anemone baissunensis</i> Juz.	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тизмасида: Шалқонсой атрофида, Ўисор тизмасида: Бойсун, Шўрчи, Денов атрофларида ўсади. Тожикистонда ҳам учрайди.
3	5. Бухоро пўфанаги Ветреница бухарская <i>Anemone bucharica</i> Regel	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тизмасида: Шалқонсой атрофида, Боботоғ тизмасида тарқалган (Тожикистонда ҳам учрайди).
4	11. Бинафша гулли арҚувон Багрянник Гриффита <i>Cercis griffithii</i> Boiss.	Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари : Қарбий Тяншан: Угом, Қурама тизмалари, Помир-Олой: Ўисор ва Боботоғда ўсади. Тожикистон ва Афғонистонда ҳам учрайди.
5	17. Бухоро астрагали Астрагал бухарский <i>Astragalus bucharicus</i> Regel	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг ва Хисор тизмаларида (Хўжагургур-Ота, Чўлбайир, ғозимойлик, Окбоштоғ, Қозикўрғон), Хандиза дарё ҳавзасида ҳамда Боботоғнинг Чагам қишлоғи яқинида тарқалган .
6	18. Виллис астрагали Астрагал Виллиса <i>Astragalus willisii</i> Popov	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тизмасидаги Қизилолма қишлоғининг шимолида ва Каттақурчуқ тевақларида учрайди
7	25.Массагетов астрагали Астрагал Массагетова <i>Astragalus massagetovii</i> B. Fedtsch.	Сурхондарё вилояти: Хисор тоғ тизмасида тарқалган.
8	29. Пахмоқтукли астрагал	Сурхондарё вилояти: Ғарбий Хисор

	Астрагал ложноязвенниковый <i>Astragalus pseudanthylloides</i> Gontsch.	тизмаларида тарқалган.
9	35. Тўполон астрагали Астрагал тупаланский <i>Astragalus tupalangi</i> Gontsch.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси: Тўполон дарё ҳавзасида тарқалган.
10	37. Юмалоқ тупгулли астрагал Астрагал почти шахимарданский <i>Astragalus subschachimardanus</i> Popov	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тизмасининг жанубидаги адирларда тарқалган (Туркменистонда ҳам учрайди).
11	39. Қизилер астрагали Астрагал красноземный <i>Astragalus terrae-rubrae</i> Butkov	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тизмасида: Хўжагургур-Ота, Қизил-сув, Оқсув дарёларининг ҳавзаларида ҳамда Кўхитанг тизмасида: Кампиртепа бўлимида учрайди .
12	41. Қўрғошин астрагал Астрагал свинцовый <i>Astragalus plumbeus</i> (Nevski) Gontsch.	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тизмасида учрайди.
13	46. Келлер астрагали Астрагал Келлера <i>Astragalus kelleri</i> Popov	Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари: Нурота ва Кўхитанг тизмаларида тарқалган.
14	47. Қизил хўроз астрагали Астрагал кызыл-хуразский <i>Astragalus rubri-galli</i> Popov	Сурхондарё вилояти: Эндем. Келиф - Шеробод тепаликларида тарқалган.
15	49. Бурчоқсимон калиспепла Калиспепла эгакантовая <i>Calispepla aegacanthoides</i> Vved.	Сурхондарё вилояти: Бойсун тоғидаги Мачайдарё ҳавзасида тарқалган.
16	50. Қорапоя мойқорағон Майкараган сетчатый <i>Calophaca reticulata</i> Sumnev.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси: Бойсун тоғларида тарқалган.
17	51. Йирик нўхат Нут большой <i>Cicer grande</i> (Popov) Korotkova	Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари: Помир-Олойда: Нурота ва Кўхитанг тизмаларида тарқалган.
18	54. Введенский окситрописи Остролодочник Введенского <i>Oxytropis vvedenskyi</i> Filim.	Сурхондарё вилояти: жанубий Ҳисор тизмасида тарқалган.
19	55. Майда гулли окситропис Остролодочник мелкоцветный <i>Oxytropis tyttantha</i> Gontsch.	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тизмасида Қашқадарё, Тўполон, Сангардак дарёлари ҳавзаларида тарқалган.
20	59. Юпқа пардали окситропис	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг

	Остролодочник ложнотонкопузырчатый <i>Oxytropis pseudoleptophysa</i> Boriss.	тизмасида тарқалган.
21	61. Бухоро тангаўти Копеечник бухарский <i>Hedysarum bucharicum</i> B. Fedtsch.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг жануби- Қарбида, Қизилмозор, Тошқўрғон қишлоқлари атрофларида ҳамда Яккабоғ дарёсининг юқори оқими- да, Хўжагургур-Ота тоғларида тарқалган.
22	65. Лангарсимон чезнея Чезнея якорцевидная <i>Chesneya tribuloides</i> Nevski	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тизмасида: Шалқонсойнинг жанубий ёнбағрида, Келиф-Шеробод водийсининг жануби-ғарбий қисмида учрайди.
23	71. Туркистон дипкадийси Дипкади туркестанский <i>Dipcadi turkestanicum</i> Vved.	Сурхондарё вилояти: Шеробод водийсидаги Ховдак қолдиқ тоғида учрайди.
24	76. Бухоро Қичмоласи Гелиотроп Бухарский <i>Heliotropium bucharicum</i> B. Fedtsch.	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбий қисмида тарқалган.
25	77. Ёирик илдизли меҳригиёх Оносма крупнокорневая <i>Onosma macrorhiza</i> Попов	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларида тарқалган.
26	78. Бошмалдоқсимон нонейя Нонейя башмачковидная <i>Nonea calceolaris</i> Nikif. & Pazij	Мирзачўл ва Ҳисор тизмаси (Жоилма) да тарқалган (Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари).
27	87. Денов жуфтуруғи Шарозонтичник денауский <i>Sphaerosciadium denaense</i> (Schischk.) Pimenov et Kljuikov	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасидаги Сангардак дарё водийси (Нилу қишлоғидан Хондиза дарёсининг қуйи оқимида)да ва Тўполон дарёсининг ўрта оқимида тарқалган .
28	90.Сумбул ковраки Ферула мускатная <i>Ferula sumbul</i> (Kauffm.) Hook. f.	Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Нурота, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмаларида тарқалган Тожикистонда ҳам учрайди.
29	94. Федченко ковраги Ферула федченковская <i>Ferula fedtschenkoana</i> Koso-Pol.	Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тизмаси (Қизилдарёнинг юқорила- ри), Туркистон ва Молғузор

		тизмалари. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон.
30	101. Ўйсор сарпояси Головоног гиссарский <i>Cephalopodium hissaricum</i> Pimenov	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг жанубий ёнбағирлари (Тўполон дарёси ҳавзаси)да тарқалган
31	102. Регел қирқбоши Зарафшания Регеля <i>Zeravschania regeliana</i> Korovin	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Зарафшон ва Ҳисор тизмаларининг Ғарбий қисмида тарқалган.
32	105. Овчинников паулияси Паулия Овчинникова <i>Paulita ovczinnikovii</i> (Korovin) Sojak	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси, Қарбда Мачайдарёгача.
33	107. Чандир Липския Липския замечательная <i>Lipskya insignis</i> (Koso-Pol.) Nevski	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Қарши чўллари, Сурхон-Шеробод водийси, Кўхитанг, Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий қисми. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон.
34	108. Чакамиғмевазимон астоматопсис Астоматопсис подмаренникоплодный <i>Astomatopsis galiocarpa</i> Korovin	Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси, Тўпалонг дарёси ҳавзаси. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон.
35	116. Ҳисор исқандераси Искандера гиссарская <i>Iskandera hissarica</i> N. Busch	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тоғи (Қорақўл, Хандиза ва Тўполон дарёларининг юқори ирмоқлари)да тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.
36	120. Ольга сохта клаусияси Ложноклаусия Ольги <i>Pseudoclausia olgae</i> (Regel et Schmalh.) Botsch.	Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Зарафшон, Нурота ва Ҳисор тизмаларида учрайди.
37	123. Гордягин қатрони Катран Гордягина <i>Crambe gordjagini</i> Sprygin et Popov	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ғузор, Тўдадашт, Гулчадашт атрофидаги тепаликларда тарқалган.
38	125. Анна қирпиўти Акантолимон Анны <i>Acantholimon annae</i> Lincz.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси Тўполон дарёси ҳавзасида тарқалган.
39	129. Тухумоёқ илдизбош, цефалоризум Корнеглав яйценогий	Келиф-Шеробод тепаликларида тарқалган. (Сурхондарё вилояти).

	<i>Cephalorhizum oopodum</i> Popov et Korovin	
40	131. Розанов ковули Каперцы Розанова <i>Capparis rosanowiana</i> V. Fedtsch.	Сурхондарё вилояти: фақат Боботоғда ўсади. У асосан жанубий Тожикистонда тарқалган. Мавжуд гербарийларга қараганда, бу тур илгари Оқтоғ ва Хўжақозиёнда ҳам ўсган.
41	142. Оритиясимон лола Тюльпан оритиевидный <i>Tulipa orithyioides</i> Vved.	Ҳисор тизмаси (Чўлбаир тоқи ва Тўполон дарёси ҳавзаси)да тарқалган (Сурхондарё вилояти).
42	144. Юнгли лола Тюльпан шерстистый <i>Tulipa lanata</i> Regel	Ҳисор тизмасидаги Қизилсув ва Сурхондарё ҳавзаларида; Кухитанг, Бойсунтоғ ва Боботоғда тарқалган (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари). Тожикистонда ҳам учрайди.
43	147. Улуғвор лола Тюльпан великий <i>Tulipa ingens</i> T. M. Hoog	Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Зарафшон, Кўхитанг ва Ҳисор тизмаларида тарқалган.
44	149. Пуштагли лола Тюльпан килеватый <i>Tulipa carinata</i> Vved.	Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари: Кўхитанг, Бойсунтоғлари, Ҳисор тизмасида (Чўлбайир тоғи, Сангардак дарёси ҳавзаси) тарқалган.
45	153. Хисор дионисияси Дионисия гиссарская <i>Dionysia hissarica</i> Lipsky	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тазмасининг жанубий ёнбағирларида (Сангардак дарёсининг ўрта оқимида) тарқалган.
46	161. Йирик пиёз Лук гигантский <i>Allium giganteum</i> Regel	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тизмасида: Кампиртепа сойининг жанубий ёнбағрида, Хисор тизмасининг жануби-ғарбий ёнбақирларида тарқалган. Ўзбекистондан ташқарида Эрон, Афғонистон, Тожикистон ва Туркманистонда учрайди.
47	163. Пушти гулли пиёз Лук розовоцветный <i>Allium rhodanthum</i> Vved.	Сурхондарё вилояти: Хаудактоғ кумида тарқалган.
48	168. Бочанцев плокамаси Плокама Бочанцева	Сурхондарё вилояти: Келиф-Шеробод тепаликлари

	<i>Plocama botschantzevii</i> (Lincz.) M. Backlund et Thulin	(Оқтош қишлоғи атрофи) да тарқалган.
49	169. Оқ тукли плокама Плокама волосистолистная <i>Plocama trichophylla</i> (Popov ex Tscherneva) M. Backlund et Thulin	Сурхондарё вилояти: Келиф-Шеробод тепаликлари (Оқтош қишлоғи атрофи) да тарқалган.
50	170. Кеселринг савринжони Безвременник Кеселринга <i>Colchicum kesselringii</i> Regel	Тошкент, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари: ғарбий Тяншан (Курама, Чоткол тизмалари)да, Помир-Олой (Туркистон, Зарафшон, Ҳисор, Нурота, Кўхитанг тизмалари ва Чўлбайир тоғлари) да тарқалган. Қозоғистон, Тожикистон, Қирғистонда ҳам учрайди.
51	171. Туркистон эулофияси Эулофия туркестанская <i>Eulophia turkestanica</i> (Litv.) Schlecht.	Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари : Зарафшон дарёси водийсида, Муян, Кармана, Конимех қишлоқлари атрофида, Сурхондарё ҳавзасида, Жарқўрғон ва Сурхон қишлоқлари ўрталарида, Денов шаҳри атрофида тарқалган.
52	174. Бухоро спиростегияси Спиростегия бухарская <i>Spirostegia bucharica</i> (B. Fedtsch.) Ivanina	Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари: Ғузор, Дехқонобод, Қизилча, Оқрабод, Шўроб, Оқтош, Қораил, Чарқауқ ва Озод қишлоқ ҳамда шаҳарлар атрофларида тарқалган. Туркманистонда (Кўхитанг) ҳам учрайди.
53	177. Введенский андрахнаси Андрохна Введенского <i>Andrachne vvedenskyi</i> Pazij	Сурхондарё вилояти: Сурхон-Шеробод водийсида (Шакарлик-Остана) тарқалган.
54	178. Айришоҳ сутлама Молочай густоватый <i>Euphorbia densiuscula</i> Popov	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тизмасида: Боғлидара довонида, Ҳисор тизмасида Бойсун яқинидаги Каттақамиш қишлоғи атрофларида учрайди.
55	180. Тигиз сутлама Молочай ложногустоватый <i>Euphorbia densiusculiformis</i> (Pazij) Botsch.	Сурхондарё вилояти: Бойсун ва Шеробод атрофларида тарқалган.
56	181. Учтишли сутлама Молочай трёхзубчатый	Сурхондарё вилояти: Сурхон Шеробод водийсида тарқалган.

	<i>Euphorbia triodonta</i> Prokh.	
57	189. Бухоро тошбақатоли Цельнолистник бухарский <i>Naplophyllum bucharicum</i> Litv.	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тоғ олди ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистондан ташқари Туркменистонда ҳам учрайди.
58	191. Хисор бадани Бадан гиссарский <i>Bergenia hissarica</i> Boriss.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида Тўполон дарёси хавзаси (Тамшуш)да, Муш ва Ҳурватан қишлоқлари оралиғида, Шотрут дарёсининг Тўполон дарёсига қуйилиш ерида тарқалган.
59	195. Бухоро туютовони Парнолистник бухарский <i>Zygophyllum bucharicum</i> B Fedtsch.	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тизмасида ва Сурхондарёнинг қуйи оқимида тарқалган. Туркменистон ва жанубий Тожикистонда ҳам учрайди.
60	202. Тожикистон етмаги Аллохруза таджикистанская <i>Allochrusa tadshikistanica</i> Schischk.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.
61	203. Михельсон зўрчаси Смолевка Михельсона <i>Silene michelsonii</i> Preobr.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида тарқалган.
62	213. Виктор омонқораси Унгерния Виктора <i>Ungernia victoris</i> Vved. ex Artjuschenko	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида, Чўлбайир тоғларида, Хонақасув дарёсининг юқори қисмларида тарқалган. Арелининг шимолий чегаралари Қўштут, Шўра, Хонақа доволари, жанубда эса Боботоғнинг шимолий ёнбағирлари орқали ўтади.
63	218. Бештомир ширач Ширач Ии <i>Eremurus iae</i> Vved.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг Чўлбайир тоғларида, Тўполон дарёси хавзасида, Бойсунтоғнинг шимолий ёнбағирларида тарқалган.
64	219. Бойсун ширачи Ширач байсунский <i>Eremurus baissunensis</i> O. Fedtsch.	Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари: Кухитанг тизмаси, Деҳқонобод, Бойсун ҳамда Денов шаҳарлари оралиғидаги пасттоғларда тарқалган.
65	221. Момик ширач Ширач пушистый <i>Eremurus pubescens</i> Vved.	Сурхондарё вилояти: Тўполон дарёси хавзасида, Бойсунтоғда ва Чўлбайир тоғларида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.

66	222. Нор ширач (хулка бола) Ширач мощный <i>Eremurus robustus</i> Regel	Тошкент, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари: ўарбий Тяншан ва Помир-Олойнинг барча тизмалари. Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистонда хам учрайди.
67	226. Суворов ширачи Ширач Суворова <i>Eremurus suworowii</i> Regel	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг тармоқларида: Чўлбайир тоғлари ҳамда Боботоғда тарқалган. Тожикистон, Афғонистонда ҳам учрайди.
68	230. Откирбарг балиқкўз Климакоптера остролистная <i>Climacoptera oxurphylla</i> U.P. Pratov	Сурхондарё вилояти: Ўзбекистоннинг жанубида Шеробод водийсидаги Майдон қишлоғи атрофларида тарқалган.
69	247. Ажойиб бўзбош Змееголовник прекрасный <i>Dracoscephalum formosum</i> Gontsch.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида (Чўлбайир тоғи ва Тўполон дарёсининг ҳавзаси) тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.
70	250. Ипаксимон кўкамарон Шлемник шелковистейший <i>Scutellaria holosericea</i> Gontsch. ex Juz.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида (Тўполон дарёси Хурватан ва Шатрут ирмоқларининг ўнг қирғоқларида ҳамда Қултепасойнинг жануби-ғарбий ёнбағирларида) тарқалган.
71	251. Момик кўкамарон Шлемник мохнатейший <i>Scutellaria villosissima</i> Gontsch. et Juz.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси (Сангардак дарё ҳавзасидаги Боғча қишлоғидан Қизилсойгача, Оқсув дарёсининг ўрта оқими)да тарқалган.
72	252. Томчи кўкамарон Шлемник капельный <i>Scutellaria guttata</i> Nevski ex Juz.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмаси: Тўполон дарёси воҳаси - хурватан, Зевар, Қўштут қишлоқлари, Шатрут ва Томшуш дарёларининг қуйилиши ҳамда Сангардак дарёси воҳасидаги Сангардак ва Боғча қишлоқлари атрофларида тарқалган.
73	253. Федченко кўкамарони Шлемник Федченко <i>Scutellaria fedtschenkoii</i> Bornm.	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ҳисор тизмаси (Ғузор ва Шеробод шаҳарлари оралиғи, Шўроб ва Дарбанд қишлоқлари атрофлари, Бўзгалахона дараси, Тўполон дарёси воҳаси, Бойсунтоғ) да тарқалган.

74	254. Қайрилган кўкамарон Шлемник изогнутый <i>Scutellaria colpodea</i> Nevski	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг ва Боботоғда тарқалган.
75	255. Зебо мармарак Шалфей замечательный <i>Salvia insignis</i> Kudr.	Сурхондарё вилояти: Боботоғ ва Бешарча тоғларида (Гармбулоқ ва Қашқақудук атрофлари)да тарқалган. Жанубий Тожикистонда ҳам учрайди.
76	260. Хаворанг мармарак Шалфей лиловоголубой <i>Salvia lilacinocaerulea</i> Nevski	Кўхитанг тизмасида, Сусизтоғ ва Бойсунтоғда тарқалган (Сурхондарё вилояти).
77	262. Бухоро отостегияси Отостегия бухарская <i>Otostegia bucharica</i> V. Fedtsch.	Сурхондарё вилояти: Шўроб, Дарбанд ва Гўрхожи қишлоқлари атрофларида бир-бирдан ажралган иккита популяцияси маълум.
78	266. Бобур фломоидеси Фломоидес Бабура <i>Phlomoides baburii</i> (Adylov) Adylov	Сурхондарё вилояти: Келиф-Шеробод тепаликларида тарқалган.
79	274. Гулхайрибарг қорақат Смородина мальволистная <i>Ribes malvifolium</i> Pojark.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасидаги Хўжа-Гур-Гур-Ота қишлоғи атрофида тарқалган. Тожикистонда ҳам учрайди.
80	280. Введенский қарраги Кузиния Введенского <i>Cousinia vvedenskyi</i> Tscherneva	Сурхондарё вилояти: Помир-Олойда Чўлбайир, Бойсун тоқларида тарқалган.
81	281. Ёпирма қаррак Кузиния широкооберточная <i>Cousinia platystegia</i> Tscherneva	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоқларида, Шеробод водийсида тарқалган.
82	284. Нозикбош қаррак Кузиния изящноголовая <i>Cousinia glaphyroccephala</i> Juz. et Tscherneva	Сурхондарё вилояти: Жануби-Қарбий Ўисорда (Сувсизтоғ (Навобулоқ) тарқалган.
83	287. Силлиқтукли қаррак Кузиния гладкощетиновая <i>Cousinia glabriseta</i> Kult.	Сурхондарё вилояти: Кўхитанг тизмасида тарқалган.
84	295. Қизилгулли қаррак Кузиния красноцветная <i>Cousinia rhodantha</i> Kult.	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларида, Бойсун тоғларида тарқалган.
85	296. Спригин қарраги Кузиния Спрыгина <i>Cousinia spryginii</i> Kult.	Келиф-Шеробод (жануби-Қарбий қисми) тепаликларида тарқалган (Сурхондарё вилояти).
86	299. Боботоқ кўкбоши	Сурхондарё вилояти: Боботоғ

	Мордовник бабатагский <i>Echinops babatagensis</i> Tscherneva	тизмасида тарқалган.
87	301. Нурота лепидолофаси Лепидолофа нуратинская <i>Lepidolopha nuratavica</i> Krasch.	Жиззах, Навоий, Сурхондарё вилоятлари: Нурота ва Кўхитанг тизмаларида тарқалган.
88	302. Федченко лепидолофаси Лепидолофа Федченко <i>Lepidolopha fedtschenkoana</i> Knorring	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасида, Сурхондарё ҳавзасида (Токчиён), Кўхитанг тизмасида (Тангидевор қишлоғи атрофи, Тарамхо булоғи атрофи ва Боқлидарада) тарқалган. Туркманистонда ҳам учрайди.
89	303. Введенский олигохетаси Олигохета Введенского <i>Oligochaeta vvedenskyi</i> (Popov) Tscherneva	Қашқадарё, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон: Помир-Олойда Шеробод водийси (Учкизил тепалиги)да ва жанубий Қизилқумда тарқалган.
90	307. Бочанцев танацетопсиси Танацетопсис Бочанцева <i>Tanacetopsis botschantzevii</i> (Kovalevsk.) Kovalevsk	Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари: Ҳисор тизмасининг жануби-Қарбий тармоқлари (Бойсунтоғ, Яккабоғ дарёсининг юқори қисми)да тарқалган.
91	310. Бежирим юринея Наголоватка стройная <i>Jurinea gracilis</i> Пјин	Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари: Ҳисор тизмасининг Қарбий тармоқларида, Бойсунтоғ ва Кўхитангда тарқалган.
92	314. Сангардак юринеяси Наголоватка сангардакская <i>Jurinea sangardensis</i> Пјин	Сурхондарё вилояти: Ҳисор тизмасидаги Сангардак ва Тўполон дарёлари ҳавзаларида тарқалган.
93	321. Жунғор кумсутаси, циноморийси Циноморий джунгарский <i>Cynomorium songaricum</i> Rupr.	Кўхитангнинг тоғолди қисмларида тарқалган (Сурхондарё вилояти) Ўзбекистондан ташқари Туркманистон, Тожикистон, Эрон, Афғонистон, Мўғилистонда ҳам ўсади.
Жами: 93 тур		

Қуйида аниқланган 3 тур яъни 0-категорияга тегишли эндем ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларини келтирилди (3.4-расм).

1. (71). Туркистон дипкадийси-Дипкади туркестанский *Dipcadi - turkestanicum Vved.*

Камёблик даражаси 0. Жанубий Ўзбекистондаги жуда камёб, эндем ўсимлик [1]. **Қисқача тавсифи.** Бўйи 15-20 см га етадиган кўп йиллик, пиёзли ўт. Пиёзи кулранг, юпқа қобикли. Ёпирма барглари 2-3 та, қалами новсимон, серэт. Пояси камгулли. Гулбарглари этли, ўроқсимон-эгилган, ташқи томони хира кўкимтир, оқ хошияли, ички томони оқиш рангли. Меваси кўсакча. Уруғи ингичка қанотли. Апрельда гуллаб, май ойида меваси этилади. Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Шеробод водийсидаги Ховдак қолдиқ тоғида учрайди. **Ўсиш шароити.** Мустахкамланган қум уюмларида ва уларнинг оралиқларидаги текисликларда ўсади. Сони. 1975 йили икки нусха ўсимлик йиғилиб, гербарий қилинган. **Кўпайиши.** Аниқланмаган. Эҳтимол, уруғидан кўпайса керак. Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ховдак тоғида, айниқса баҳорда чорва моллари кўплаб боқилади. Ҳозирда бу ерда қазил ишлари олиб борилмоқда. **Маданийлаштирилиши.** 1938 йил САГУ (ҳозирги ТошДУ) Ботаника боғида ўсимлик пиёзидан экиб ўстирилган. Кейинчалик эса у қуриб қолган, 1975 йил бу турнинг 2 та дона пиёзи кавлаб олиниб, Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғида экилганида ҳам қуриб қолган. **Муҳофаза чоралари.** Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Ховдак тоғида бу турни қидириб топиш ишларини олиб бориш лозим. Мабодо топилгудек бўлса, у жой назорат остига олинсин. Ўсимликни Орол-Пайғамбар кўрикхонасида ва Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғида экиб ўстириш тавсия этилади.

2. (78). Бошмалдоқсимон ноней-Ноней башмачковидная-

Nonea calceolaris Nikif. & Pazij

Камёблик даражаси 0. Ўзбекистон учун камёб эндем ўсимлик. Қисқача тавсифи. Бир йиллик ўт ўсимлик, хурпайган қалин безчали ва сийрак узун, дағал тукли, баландлиги 30 см. Поялари бир нечта, асосидан шохланган. Барглари бутун ёки, хира сийрак тишчали, ўймали-наштарсимон, кенг ёки тор наштарсимон, учи ўткир, узунлиги 2.5-4.5 см, эни 5-10 мм. Меваловчи жингалаги 10-14 см узунликда, тигиз ва сийрақроқ. Мевабанди 1-2 мм узунликда. Косачаси гуллаганда қўнғироқсимон, узунлиги 7-8 мм, гултож найчасидан деярли 2 марта узун, тишчалари наштарсимон, учи ўткир. Гултожи сарғиш, узунлиги 7-8 мм, найчасининг узунлиги 4 мм. Меваси ёнғоқчаси 3-4 мм узунликда, текис жойлашган, тукли, ён томонлари тиришган. Март-апрель ойларида гуллаб, меваси апрел-май ойларида етилади. **Тарқалиши.** Мирзачўл ва Хисор тизмаси (Жоилма) да тарқалган (Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари). Ўсиш шароити. Соз тупроқли чўлларда ва адирларда ўсади. **Сони.** Узоқ давом этган қидирув ишлари натижасиз тугаган. Бу тур бутунлай йўқолган бўлса керак. Кўпайиши. Уруғидан кўпайган бўлса керак. Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Одамларнинг ерларда хўжалик ишларини юритиши туфайли қисқариб кетган. **Маданийлаштирилиши.** Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.


3. (163). Пушти гулли пиёз-Лук розовоцветный-*Allium rhodanthum* Vved.

Камёблик даражаси 0. Жанубий Помир-Олойдаги камёб, эндем усимлик [18]. Қисқача тавсифи. Бош пиёзининг эни 2-3 см, қорамтир, қоғозсимон пўстли. Пояси 15-30 см узунликда, силлиқ. Барглари 1-2 та, кенг наштарсимон, узунлиги 5-10 см, эни 2-4 см, силлиқ. Соябони кўпгулли, сийрак, деярли шарсимон, диаметри 10-15 см. Гулбандлари тенг, гулёнбаргчалари йўқ, узунлиги 5-10 см. Гулқўрғон бўлаклари юлдузсимон, этли, пуштиранг, узунлиги 7-10 мм, чўзиқ-овалсимон, баъзан наштарсимон,

тўмтоқ. Чангчи иплари пушти, узунлиги 16-13 мм, бигизсимон, анча қисми ўзаро бирлашган. Кўсаги шарсимон, диаметри 3-4 мм. Апрельда гуллаб, майда меваси етилади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Хаудактоғ қумида тарқалган. Ўсиш шароити. Қумларда ўсади. Сони. 20 йил давомида уни топиш устида олиб борилган ишлар натижасиз тугади. Бу тур бутунлай йўқолган бўлса керак. Кўпайиши. Уруғидан кўпайган бўлса керак. Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Хаддан ташқари кўп мол боқилиши туфайли камайиб кетган. **Маданийлаштирилаши.** Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.



3.4-расм. 0-категорияга тегишли эндем ўсимликлар

3.2. Сурхондарёнинг реликт ўсимликлари

1. (9.) Ёввойи анор-Гранат обыкновенный-*Punica granatum L.*

Камёблик даражаси 2. Ўзбекистонда табиий ҳолда жуда кам сақланиб қолган, ареали бўлинган реликт тур. Қисқача тавсифи. Бўйи 2 м га етадиган бута. Барги чўзиқ, тескари-тухумсимон, узунлиги 6-8 см, эни 7-15 мм, чармсимон, қисқа шохларда тўп-тўп, узун шохларда эса қарама-қарши хрнашган. Гули қисқарган новдаларда жойлашган. Косачаси қайишсимон мустаҳкам, тожбарги оч ғизил рангда. Меваси юмалоғ, йирик. Май-августда гуллаб, сентябр-октябрь ойларида меваси пишади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Хисор тоғининг жануби-Ғарбий қисмида Тўполон, Сангардак дарёлари ҳавзаларида тарқалган. Тожикистон, Туркменистон, Кавказorti, Туркия, Шимолий Эрон, Афғонистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмида денгиз сатҳидан 1000-1600 м баландликда салғин ва нам дараларда ўсади.

Сони. Кўпинча якка ҳолда ҳсади, баъзан бошға дарахт ва буталар билан биргаликда ўсади. Айрим жойларда соф анорзорларни ташкил этади. Умумий туплар сони аниғланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан ва илдиз бачкисидан кўпаяди. Ўсимлик сони ва ареалининг хзгариш сабаблари. Анорзорларнинг бузиб юборилиши ва мевалари пала-партиш йиғиб олиниши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Анор одамлар томонидан 4000 йилдан бери экиб келинади.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза тадбирлари ишлаб чиқилмаган.

2. (132.) Гордягин клеомаси-Клеоме Гордягина- *Cleome gordjagini* Popov

Камёблик даражаси 1. Жанубий Помир-Олойнинг ўта камёб, реликт ўсимлиги [9]. Қисқача тавсифи. Поялари 50-120 см баландликдаги, сарғиш момиқ тукли бир йиллик ўт ўсимлик. Барглари тухумсимон, момиқ тукли,

узушлиги 4-5 мм, эни 3-3.5 мм. Косачабарглари ланцетсимон, 3 таси бир хил, 4-йирикрок, 7 мм гача. Чангчилари 6 та. Кўсаги 25-50 мм узушликда, эни 1.5-2 мм, ўткир бурунчали, безли туклари бор. Августда гуллаб, сентябрда мевалайди.

Тарқалиши. Сурхондарё: Келиф-Шеробод тепаликлари. Ўзбекистондан ташқарида: Туркменистон (Копетдаг). Ўсиш шароити. Гипсли ёнбағирликлар. Сони. 2009 йилда 20 та тупи топилган. **Кўпайиши.** Уруғидан кўпайади. Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларини кўп боқилиши, турнинг реликтлиги ва олажинсли майдонларнинг қисқариб бориши. **Маданийлаштирилиши.** Маълумотлар йўқ. **Муҳофаза чоралари.** Муҳофаза қилинмайди.

3.(199.) Сафсан хурмо-Хурма кавказская-*Diospyros lotus L.*

Камёблик даражаси 1. Жуда камёб, ареали қисқариб бораётган реликт тур. Қисқача тавсифи. Бўйи 15-20 м га етадиган қўнғир қора пўстлоқли дарахт. Барглари мустаҳкам, қайишсимон, чўзиқ, узушлиги 15 см. Гуллари сарғиш-қизил, қўнғироқсимон, икки уйли. Чангчили гуллари яримсоябонга тўпланган, уруғчи гуллари якка-якка ёки бир нечтадан бўлиб ўрнашган. Меваси этли резавор, шарсимон, аввалига қизғиш, кейинчалик қўнғир-қорамтир рангда. Май-июнда гуллаб, октябр-ноябрда меваси пишади.

Тарқалиши. Сурхондарё вилояти: Ўисор тизмаси (Тўполон ва Сангардак дарёлари хавзалари, Куштут, Тамшуш, Хондиза қишлоқлари атрофлари)да тарқалган. Тожикистон, Кавказ, Кичик Осиё, Эрон, Хитой ва Японияда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғнинг пасткиўрта қисмларидаги дараларнинг шағалли ёнбағирларида, булоқларнинг бўйларида ўсади. Сони. Кам учрайди, баъзан 5-15 тупи бирга ўсади. **Кўпайиши.** Уруғидан ва вегетатив йўл билан (бачкисидан) кўпаяди. Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари.

Хўжалик маъсадлари учун ерларнинг ўзлаштирилиши, қурилиш ҳамда ўтин учун ишлатилиши туфайли камайиб кетмоқда. Маданийлаштирилиши. Қадим замонлардан бери экилиб келинади. Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғида 1948 йилдан буён экиб ўстирилади. Муҳофаза чоралари. Тўполон ва Сангардак дарёлари хавзаларида қўриқхона ташкил қилиш лозим.

4. (200.) Ёввойи чилонжийда-Унаби обыкновенная-Ziziphus jujuba Mill.

Камёблик даражаси 2. Ареали кескин қисқариб бораётган камёб, реликт, субтропик тур. Қисқача тавсифи. Бўйи 12 м гача етадиган тарвақайлаган, мевасиз шохларида барглари икки қатор жойлашган, ёнбаргчалари йирик тиканлардан иборат дарахт. Барглари чўзиқ тухумсимон, уч томирли, четлари тишлисимон ўйилган. Гуллари майда, яшилроқ рангли, ўткир хидли. Меваси чўзиқ юмалоқ ёки юмалоқ, диаметри 1,5 см гача етади. Июнь-сентябрь ойларида гуллаб мева беради.

Тарқалиши. Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Ғарбий Тяншан (Угом, Чотқол, Қоржонтоғ тизмалари), Кўхитанг тизмасида: Боғлидара сойида ва Хисор тизмаларида (Ғузор дарё хавзасида, Шўрөб, Қуштутсай, Зинчаб, Зарчов, Дуоба ва Тамшут қишлоқлари атрофларида) тарқалган. Тожикистон, Туркменистон, Кавказ ортида ҳам тарқалган. Бу тур ўрта ер денгизидан Япониягача тарқалган.

Ўсиш шароити. Қуруқ, шағалли, тошли ва юмшоқ тупроқли ёнбақирларда ҳамда дарё ва сой бўйларида ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка холда ва кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан ва илдиз бачкиларидан кўпаяди. Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Меваларининг териб олиниши, тупларининг ўтин учун кесилиши туфайли камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Жуда қадимдан мевали ва доривор ўсимлик сифатида экиб келинган. Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғида 1958 йилдан бошлаб экилиб келинади.

Муҳофаза чоралари. Алохида муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Табиатда ўсиб турган чилонжийда туплари назорат остига олиниши лозим.

5. (201.) Качимсимон етмак (бех)-Аллохруза качимовидная-Allochrusa gypsophiloides (Regel) Schischk.

Камёблик даражаси 3. Ўрта Осиё тоғларидаги ареали кескин қисқариб бораётган эндем ўсимлик. Қисқача тавсифи. Бўйи 30-60 см орасидаги кўп йиллик ўт. Пояси ингичка, кўп. Барглари 10-25 мм узунликда, ясси, қалами, тикансиз. Гуллари пушти ранг, поянинг тепасида ёйиқ рўваксимон тўпгул хосил қилади. Меваси - кўсаксимон. Май- август ойларида гуллаб, август сентябрда меваси етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари: Қурама, Чотқол, Хисор, Кўхитанг тизмасида тарқалган. Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 400-1400 м баландликда тошли ва шағалли ёнбағирларда ва баъзан ташландиқ ерларда ўсади. Сони. Якка-якка холда ёки кичик тўплар хосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди. Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Саноат хом ашёси ва маҳаллий аҳоли томонидан доривор ўсимлик сифатида кўплаб йиғиб олинади. Етмакдан тўқимачилик, мўйначилик, қандолатчилик саноатларида, табобатчиликда ва кундалик ҳаётда кенг фойдаланилади. Шунинг учун камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Саноат эҳтиёжи учун экиладиган майдонларни кенгайтириш керак. Табиатда етмакзорлар тикланганидан сўнг ҳам уни масъул идоралар ижозати билан йиғиш лозим.

6.(207.) Наталия зўрчаси-Смолевка Наталии-Silene nataliae F.O.Khass.

